

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34



Тошкент мухим географик ўринда – Шарк ва Гарб мамлакатлари билан савдо- сотик йўлида жойлашганлиги туфайли бу ерга узлуксиз савдо карвонлари келиб- кетиб турган. Бу эса шаҳарни етти иклим билан туташган масканга айлантирган.

Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарлар каби, Тошкент ҳам X асрда баланд муҳофаа деворлари билан ўраб олинган. Маълумки, шаҳар қадимда бирор режа асосида қурилмаган. У табиий равишда бозор атрофидан ҳар томонга кенгая борган. Шаҳар ўсган сари деворлар сурилиб, катта йўлларга туташган жойларда янги дарвозалар қурилиб, уларнинг сони ҳам орта борган. Шунингдек, айрим дарвозалар номи ҳам ўзгариб борган. Ҳар бир дарвозадан ташқарида қабристон бўлган. Албатта, бунинг ўз раъми маъноси бўлган. Шаҳарга қирган ва чиққан кишиларнинг қалбида қабристонни қўриб, ёвузлик ўрнига яхшилик ҳисси уйғонган.

Шаҳардаги мавжуд қабристонлар шаҳар дарвозасидан ташқарида жойлашганлиги, шаҳарнинг чегарасини аниқлаб беради. Жумладан, ҳозирги кунда шаҳарнинг марказий қисмига тўғри келиб қолган Шайхонтохур зиёратгоҳи (қабристони) ўрта асрларда шаҳарнинг шарқий дарвозасидан ташқарида жойлашган. Археологик текширувлар бу жойларда бог –роғлар бўлганлигидан далолат беради.

Ҳозирги Пахтакор стадиони ва А. Навоий номидаги санъат саройи ўрнида 1956 йилгача Қорғди номи маҳалла бўларди. X–XII асрда шаҳар ташқарисида вужудга келган бу турар жой «қариядех» яъни қишлоқ деб аталган. XVI–XVII асрнинг иккинчи ярмида маҳалла сифатида шаҳар тарқибига қирган. Шаҳар тарқибига қиргач «қариядех» қорғди қўринишини олганди. XIX асрнинг ўрталарида,

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

яъни Кўкон хонлиги даврида хоннинг Тошкентдаги ноиб Бекларбеги томонидан Тошкент мудофаа деворлари ва дарвозалари таъмирланади, Шунингдек, кўшимча мудофаа деворлари қурилиб, янги дарвозалар ўрнатилади. Бу пайт дарвозалар сони «Тешиккофка» ва «Янги маҳалла» каби ўтиш жойларидан ташқари ўн иккитага етади. Булар Лабзак, Тахтапул, Корасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарканд, Камолон, Бешёғоч, Кўймас, Кўкон, Қашқар каби дарвозалари бўлган. Булардан Лабзак, Қашқар, Кўкон, Кўймас каби дарвозалар Шарк томондан кейинчалик шаҳарга кўшиб олинган қисмига қурилган, айримларнинг ўрни сурилган. Ўрни сурилиши муносабати билан номлари ҳам ўзгарган. Шаҳар дарвозалари қоронги тушиши билан ёпилган ва эрталаб тонг шаҳарда очилгунга қадар ҳеч қим шаҳарга киритилмаган, ҳеч қим шаҳардан чиқиб ҳам қетолмаган. Дарвозахоналар устида маҳсус қоровулхоналар ва дўмбиралар сақланадиган хоналар ҳам бўлиб, ҳавф-хатар сезилганда дўмбиралар қалиниб ҳалойик оғохлантирилган. Ҳар бир дарвозада шаҳарга қирувчи ва қиқувчи қарвонларни қайд қилиб турувчи божхона бўлган. Дарвозалар олдида амалдорларни қутиб олиш қарвонлари ҳам бўлиб турган.

Дарвозалар одатда арча, қайрағоч қарағачлари ёғочидан қасалиб, усти темир қошия билан қопланган, турли қулфларни қадимий нақшлар билан қасатилган. Дарвозаларнинг юқори қисми қўпинча қанжарали бўлган. Шаҳар, қалъа, қарой қабиларнинг дарвозаларини маҳсус дарвазабонлар қўриқлаб турган.

Амир Темур даврида дарвозалар қасъуллиги шу қин атрофда қасайдиган маҳалла қиммасига қуклатилган. Шунинг учун, қўп қолларда дарвозалар шу маҳалла номи билан аталган: Қашқар, Сағбон қабилар. Айрим қолларда дарвозалар йўналишларга қараб номланган: Кўкон, Самарканд қабилар. 1865 йилда Тошкент муқакиллиги тугагач дарвозалар бирин қетин қузиб ташланди.

Бешёғоч дарвозаси Қўймас ва Қомолон дарвозалари ораллигида бўлган, XV – XVI асрларда Тошкент Бешёғоч ва Урда томон қенгайиб қоради. Қумладан, Тошкент қонининг эски шаҳарнинг қозирги Қулбозор маҳалласидаги ўрдасидан Бешёғоч даҳасининг қозирги Қоратош маҳалласи ўрнида қурилган янги ўрдасига қўчиши муносабати билан шаҳар қудуди қенгайтирилиб, мудофаа деворлари қурилади. Шу муносабат билан Бешёғоч маҳалласи қудудида, Қанубга олиб қорадиган қатта қарвон йўлига янги дарвоза қурилиб, шу маҳалла маъсуллигига топширилади. Номи шундан. XIX асрнинг 70- йилларида дарвоза ва мудофаа деворлари қузилиб, ўрнида Бешёғоч қайдони қарпо бўлган.

Қомолон дарвозаси Бешёғоч даҳасининг қадимий дарвозаларидан бири бўлиб,

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

Бешёгоч ва Самарканд дарвозалари оралигида, Комолон махалласи худудида ва махалла масъуллигида бўлган. Номи шундан. Мухаммад Солих «Тошкентнинг янги тарихи» номли асарида Комолон махалла сифатида тилга олинган бўлиб, дарвоза эса Комондарон кўринишида ёзилган. Шунингдек, комондаронларнинг Бузук кабиласидан бир тоифасига мансублиги кўрсатиб ўтилган. Табиийки махаллада яшаган, бу тоифанинг асосий касб-корлари комон ва комон ўки яшаш бўлган. Комондарон(комонгорон) яъни комонсозлар, кейинчалик оғзаки тилимизга Комолон талаффузида етиб келган. Тарихдан маълумки Тошкентда ясалган ўк-ёйлар Шарқда «Комони Шоший» номи билан машхур бўлган ва Шарқ адиблари асарларида таърифланган.

Самарканд дарвозаси Бешёгоч даҳасининг қадимий дарвозаларидан бири. Комолон ва Кўкча дарвозалари оралигидаги Самарканд йўли кўчасида бўлган. Дарвоза масъуллигини олган махалла ҳам шу ном билан, яъни Самарканд дарвоза номи билан аталган. Самарканд дарвоза кўчасининг давоми Чилонзор туманидаги Катортал кўчаси бўлиб, Самарканд, Бухоро ва Хоразмга олиб борадиган катта Карвон йўли бўлган. Махаллада ўзбек ромончилик мактабининг асосчиси А. Кодирий яшаган.

Кашкар дарвозаси даврига, йўналишига қараб, Хитой, Оккўргон, Шайхонтохур номлари билан ҳам аталиб келинган:

- Дарвозанинг Хитой деб номланиши Тошкентнинг географик жойлашиши билан боғлиқ бўлиши керак, чунки Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи шаҳарнинг шу қисмига яқин жойдан ўтган;

- Оккўргон дейилишига сабаб, Хожа Ахрор мадрасасининг вақф ерлари Оккўргон деб аталган. Оккўргонга шу дарвоза орқали ўтилган;

- Шайхонтохур дейилишига сабаб, дарвоза XIV-XV асрларда Тошкент мудофаа деворларининг кенгайтирилиши муносабати билан, дарвоза Шайхонтохур қабристонига яқин жойда, тахминан А. Навоий ва Б. Зокиров номидаги кўчалар кесишган жойда бўлган. XVII асрнинг иккинчи ярмида шаҳар ҳокими Юнусхўжа ҳукмронлиги даврида дарвоза Тошкентнинг туртинчи ўрдаси қурилиши муносабати билан Анхор каналининг ўнг тарафида, тахминан ҳозирги Кишлоқ Хўжалиғи вазирлиғи биноси яқинида ўрнатилган. Номи Шайхонтохурлиғича қолган.

Тошкент Кўкон хонлиги тасарруфига ўтганидан кейин шаҳар худуди кенгайтирилиши муносабати билан 1820 йилларда Анхорнинг чап тарафига дарвоза қурилади. Дарвоза Лабзак ва Кўкондарвозалари оралигида, Кўкон хони ўрдаси ва Қашқар маҳалласини ажратиб турувчи ҳозирги А. Навоий кўчасининг Буюк Турон кўчаси билан кесишган жойида бўлган. Дарвоза 1829 йилда Кўкон хони Муҳаммад Алихон даврида ўз ватани Қашқардан қувилиб, Кўкон хонлигидан паноҳ топган мусулмонлар жойлашган маҳалла масъуллигига топширилган. Дарвозанинг Қашқар деб номланиши шундан.

Кўкон дарвоза Қашқар ва Кўймас дарвозалари оралигида Кўймас ва Маҳрам номларида келган ҳозирги Ўзбекистон ва ҳозирги Буюк Турон кўчалари кесишган жойида бўлган. (Бу кўча қадимда қарвон йўли бўлиб, катта кўча дейиларди. Манбаларда 1875 йилгача Большая, кейинроқ Базарная, 1918 йилгача Д. И. Романовский, 1992 йилгача Ленин номларида келган). 1820 йилларда Кўкон хонлиги томонидан қурилган бу дарвоза шаҳарнинг бошқа дарвозаларига нисбатан анча ҳашаматли бўлиб, табақалари темир ва мис билан қопланган. Қондақорлик безаклари билан безатилган. Дарвозадан факат ўрдага қирилган. Кўкон хони Тошкентга келганида дарвоза олдида қарнай-сурнайлар билан тантанали қутиб олинган.

Кўймас дарвозаси Кўкон хони ўрдаси билан Бешёғоч дарвозалари оралигида, Анхорнинг чап томонида, Кўймас (манбаларда Тали кўймас тепалиги) истехкоми харобалари ёнида бўлган. Истехком ташқи душмандан шаҳарни ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнаган. Ном шундан. Машҳур қадимшуносларимиздан Яхё Гуломов ўз маърузаларидан бирида 1485-87 йилларда Тошкент ҳокими Юнусхон томонидан қурдирилган истехкомлардан бири бўлиши керак деган фикрни айтган эди. Дарвозанинг ўша давргача бўлган ўрни Анхорнинг ўнг томонида бўлган. Айрим қадимшуносларнинг тадқиқотларига кўра бу дарвоза Темур даврига хос дарвозалар рўйхатида Қатагон дарвозаси деб аталган. Қатагон ўзбеклар таркибига қирган йирик қабилалардан бири.

1865 йилда Россия томонидан Тошкент босиб олинган, Черняев бу “Талиқоймас” тепалигини тўрт тарафидан девор олдириб, қўрган қурдирган. Эл оғзида бу жой Тупрокқўрган номи билан қолган. Бу қўрганнинг тўплари Эскишаҳарга қаратилган бўлиб, шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмини мудофаа қилиб турган. 1867 йилдан 1883 йилгача бу қўргондан ҳар қуни соат 12.00 да тўплар отилиб, гуё маҳаллий халқни даҳшатга солиб турган. Маҳаллий халқда “Тўпотар” ибораси шундан қелиб қиккан.

Кўкча дарвозаси кадимий дарвозаларидан бири бўлиб, Чигатой ва Самарканд дарвозалари оралигида, хозирги М. Уйгур кўчасининг тўхташ жойида (бекатида) бўлган. Дарвозанинг масъуллигини олган махалла номи ҳам Дарвоза деб аталган. Тадкикодчиларнинг фикрича Кўкча номи Кохча, яъни калъача сўзидан келиб чиккан. Бу атама V—XII аср археологик ёдгорлиги Кўкча октепасига нисбатан айтилган. Бу ёдгорлик ўтган асрнинг 80-йилларида текистланиб ташланган.

Сагбон дарвозаси Кўкча дахасининг кадимий дарвозаларидан бири бўлиб, Чигатой ва Корасарой дарвозалари оралигида, Сагбон махалласи худудида бўлганлиги учун шу махалла масъуллигида бўлган. Номи шундан. Асл номи Сукбон (сук – арабчада бозор, бон – коровул), яъни бозор коровули. Махалла ахлининг асосий тирикчилиги Дашти кипчоқдан хайдаб келинган отарлар, корамол ва йилкиларни кўриклашган. Шунингдек, жаллоблик билан ҳам шугилланишган.

Чигатой дарвозаси Кўкча ва Сагбон дарвозалари оралигида, Кайкобус ариги бўйида, Чигатой махалласи худудида ва шу махалла масъуллигида бўлган. Номи шундан. Чигатой улусини идора этган сулола (1224–370) Чингизхоннинг иккинчи ўгли Чиготой (1242 йилда вафот этган) номидан келиб чиккан деган сабаб билан ўтган асрнинг 80 – йилларида махалла ва кўча номлари ўзгартирилган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича Туркий Чиготой улуси ўзбеклар таркибидаги йирик кабилалардан бири бўлиб, Чингизхоннинг ўгли Чиготойдан анча илгари ҳам мавжуд бўлган. Чиготой тили, Чиготой адабиёти каби атамалар шу кабила номига мансуб.

Корасарой дарвозаси Себзор дахасининг кадимий дарвозаларидан бири Сагбон ва Тахтапул дарвозалари оралигида Кайкобус аригининг бўйида, Корасарой махалласи худудида ва шу махалла масъуллигида бўлган. Номи шундан. Дарвозадан ташкарида Корасарой кабрисони бўлган.

Тахтапул дарвозаси Себзор дахасининг Корасарой ва Лабзак дарвозалари оралигида, Кайкобус аригининг бўйида, Тахтапул махалласи худудида бўлган. XVIII асрнинг 80–йилларида Тошкент хокими Юнусхўжа хукмронлиги даврида сахар худуди бирмунча кенгайтирилиб, янги мудофаа деворлари ва кўшимча дарвозалар курилади. Жумладан, Себзор махалласидаги кичик дарвоза ва мудофаа деворлари бузилиб, ўрнига Кайкобус ариги бўйида янги мудофаа девори, дарвоза ва Кайкобус аригига Тахта кўприк курилади. Дарвоза, махалла ва кўчанинг Тахтапул (Тахтакўприк) деб

номланиши шундан.

Лабзак дарвозаси Себзор дахасининг уч дарвозасидан бири бўлиб, Тахтапул ва Кашкар давозалари оралигида жойлашган эди. Манбаларда ўзбеклар дарвозаси деб ҳам юритилган. Махалла худудидан ўтган арик Бузсув тармоклари бўлмиш Анхор ва Кайкобус каналларига якин бўлганлиги сабабли сув доим тўлиб–тошиб оккан. Шунинг учун, арик бўйлари нисбатан захрок бўлган, Махалла, арик ва дарвозанинг Лабзак (яъни, зах арикнинг бўйи) деб номланиши шундан. Дарвоза 1820 йилларда Кўкон хонлиги хукмронлиги даврида шаҳар худудининг кенгайтирилиши муносабати билан қурилган.

Тошкент тарихида юкорида номлари келтирилган шаҳарнинг 12 дарвозасидан ташқари Наршахий ва Макдусий каби қадимий тарихчиларнинг асарларидан ўрин олган қадимий Тошкент ўрдасининг икки дарвозаси ва шахристонининг Абул Аббос, Қаср (Кеш), Гумбаз (Жунай) номлари билан келган уч дарвозаси бўлиб, булар ҳозирги Эскижўва бозори, Зарқайнар, А. Навоий ва Чорсу кўчалари оралигида бўлган. Бу дарвозаларнинг баъзилари тахминан ҳозирги А. Хидоятлов номи театри ва Кўқалдош мадрасасининг орқа томонида бўлган. Шунингдек, ҳозирги А. Навоий (илгариги номи Шайхонтохур) кўчасидан Шайхонтохур зиёратгоҳига қиришдаги машҳур Шайхонтохур дарвозаси бўлган. Дарвоза ўтган асрнинг 40–50 йилларида Навоий кўчасини кенгайтирилиши муносабати билан буздириб юборилган.

БОЗОРЛАРИ

Тошкент Буюк Ипак йўлида жойлашган ЎртаОсиёнинг қадимий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий марказларидан бири бўлган. Шаҳар муҳим географик ўринда – Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотик йўлида жойлашганлиги сабабли, бу ерга ҳар йили юзлаб савдо қарвонлари келиб турган.

Тошкентни истило қилишда қатнашган рус рассоми В. Верещагиннинг ёзишича, «Мен кўрган Шарқ шаҳарларининг ҳеч бирини кенглиги жиҳатидан Тошкентликларнинг бозорига тенглаштириб бўлмайди. Ундаги дўконлар қичкина бўлсада, сон-саноксиз. Айтиш қийин, Тошкентда дўкондорлик хунари билан шугулланмайдиган бирон-бир киши бормикан? Тушда бозор роса қизийди, савдо ишлари янада жонланади, одам жуда тикилинч бўлиб кетади, кўчаларда эшак, от ва туяларнинг қўплигидан юриш қийинлашади....»

“Умуман савдо масаласига келсак,” – деб ёзади Верешчагин “Тошкентнинг ракиби йўк. У Ўрта Осиёнинг асосий савдо йўли устида жойлашган бўлиб, Бухоро ва Кўкондан Россияга ва аксинча ўтадиган карвонлар тўхтаб ўтадиган шаҳардир.”

1813 йили Тошкентда бўлган элчи Филипп Назаров эса шаҳарни турли мамлакатлардан тинмай карвонлар келиб-кетадиган йирик савдо пункти деб таърифлайди.

Рус тарихчиси В. Масалский Эскишаҳар бозорининг 1908-1910 йиллардаги кўринишини куйидагича тасвирлайди. Бир қисми тимдан иборат бозорда 4500 та дўкон, чойхона, ошхона, устахона ва карвонсарой борки, улар бозор кунлари ниҳоятда тикилинч бўлади. Бозорга туташган кўчалар ва бозорнинг ўзи шаҳарликлар, даладан келган дехконлар, туя карвонлари, отликлар, аравалар билан шу қадар тўлиб кетганки, юришга илож бўлмай қолади. Аллофу кандолатчи, каллапазу кабоппаз, баззозу сомсапаз, мисгару чилангар, новвой-ю холвафурушларнинг бакирик чакириги, гадоларнинг хайру садака тилаши, каландару маддохларнинг кироатли ўқишлари, туяларнинг бўкириши-ю, эшакларнинг ханграши аралаш-куралаш бўлиб кетадида, бу маҳобатли гулдирос бозордан олис-олисларгача эшитилиб туради.

Бозор фақат савдо-сотик билан хизмат қилибгина қолмай, шаҳар халқи хордик чиқарадиган жой ҳам эди. Шаҳар ҳокимининг турли фармонлари масжидларда маълум қилингандан ташқари, яна бозорда жарчилар томонидан эълон қилинарди. Ўрта Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида бўлгани каби бу ерда ҳам, хайит ва рўза кунлари бозоршаб (кечки бозор) ўтарди. Бозоршабда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири, ёки майдони безатилиб, кўчанинг икки четидаги чойхона ва дўконлар олдида чорпоялар қўйилиб, ҳар хил мева-чева, озик-овкатлар сотилган. Карнай-сурнай ва ногоралар қалиниб, махсус жарчилар одамларни бозоршабга чорлаб турган. Бир томонда дорбозлар, масҳарабозлик ва кўгирчокбозлик, бир томонда кураш ва ўргатилган хайвонлар томошаси бўлиб турган. Чойхоналарда созанда, хонанда, аскиячи, кизикчи ва раққослар ўз ҳунарларини намойиш қилганлар.

XIX асрнинг ўрталарида Россия ва бошқа Европа савдогарларининг Тошкент бозорига интилиши натижасида Эскижўва бозори янада гавжумлашади. Натижада, турли савдо фирмалари бу бозорда ўз идора ва магазинларини курадилар. Жумладан, савдогар Яшевларнинг Махсидўзлик кўчасидаги маҳаллий фирмаси ва улар билан иш олиб борган (2005 йилда бузилиб кетган) Эмиль Цинделнинг газлама фирмасининг идораси учун қурилган биноси қабилар. Бино кейинчалик халқ орасида «Синдел дом» номи билан

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

машхур топган. 1928 йилда «Циндел» фирмаси жойлашган бинода «Ёш томошабинлар театри» ташкил килинди.

Шунингдек, Эскижўва бозори худудида Граховский, Никифров, Захо, Ю.Давидов ва Шамси Асатулла ўгилларининг турли махсулотлар билан савдо килувчи магазинлари ва идоралари ўз ишларини бошлайди. Эскижўва бозори даврига қараб турли номлар билан аталган. Қуйида ана шу Эскижўва бозорининг турли даврдаги номларини изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

Регистон (форсча) – Ўрта Шарк шаҳарларидаги майдон. Туркийда кумлоқ маъносини англатади. Номига кўра бу бозорнинг дастлабки номи. Чунки Ўрта Осиёда одатда бозорлар унумсиз кумлоқ ва тошлоқ жойларда ташкил қилинган. Лабзак ёки Жангоб аригининг ҳозирги бозор марказидан ўтадиган жойлар пастлик ва тошлоқ жойлар бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиё шаҳарларида марказий майдонлар Регистон деб юритилган. Бу бозор ҳақида X аср тарихчиси Макдусийнинг ёзишича, “Тошкентдан бошқа шаҳарларга темир буюмлар, эгар-жабдуқлар ва бошқа хунармандлик махсулотлари олиб кетиларди, Тошкент камонлари ва нафис идиш-товоклари билан шухрат қозонган эди.

Кўшбозор. XV-XVI асрларда шаҳар худуди ҳозирги Ўрда ва Бешёғоч томон кенгайиб боради. Бинкат номи билан келган Тошкентнинг шахристонини нураб борарди. Натижада, ўз даври талабларига жавоб бера оладиган янги хон ўрдаси ва шахристонини ҳозирги Коратощ ва Олмазор маҳаллалари ўрнида қурилади. Бўшаб қолган эски ўрда ва шахристон ўрнида янги бозор вужудга кела бошлайди. Янги бозорда қуллоқлар, мисгарлар, такачилар, тўқимачилар каби қатор устахоналар жойлашиб, Ре-гистон бозори билан параллел равишда савдо-сотик ишларини давом эттира бошлайди. Бу ҳар икки бозор қўшилиб, бир қанча муддат Кўшбозор номи билан атала бошланган.

Чорсу – дастлаб Бешёғоч даҳасининг қадимий маҳаллаларидан бири бўлган. Маҳалла сифатида XI асрда вужудга келган. Унга шаҳарнинг асосий дарвозаларидан йўллар келиб туташган.

Ўрта аср шарк шаҳарларида 2 йирик кўча кесишган жой – Чорсу дейилган. Бундай жойларда одатда савдо расталари, қосибларнинг дўконлари жойлашган. Табиийки, бозор билан чегарадош бўлган бу маҳалла ўз-ўзидан Регистон бозорига қўшилиб кетган. Қадимий манбаларда Човурсук (тўрт томонлама), Чорсук, Чорбозор кўринишларида ҳам учрайди. Сук сўзи арабчада бозор маъносини англатган. Кейинчалик оғзаки сўлашувда

Чорсу шаклини олган.

Эскижўва Себзор дахасининг қадимий маҳаллаларидан бири бўлган. Махсидўзлик кўчасида маҳалла хунармандларининг асосий қисми жой-лашган бўлиб, савдо-сотик қайнаган жойлардан бири ҳисобланган. Вактлар ўтиб бу қадимий маҳалла ҳам марказий бозорнинг бир қисми ва кейинчалик бозорнинг асосини ташкил қилиб, Эскижўва номи билан атала бошланган.

Проф. Х.Х. Хасанов “Эскижўва” – маҳалла номи, харбий аслаҳалар омбори (жўвахона) бўлганидан бу жой шундай ном олган дейди. Ҳақиқатан ҳам жиба “совут” деган сўз. (С.Кораев).

Қадимшунос олима В.А. Булатова эса таникли олима О.Смирнова асарларида “эски” – сўзи сўгд тилида “баланд” деган маънони англатишини учратиб қолганлигини ёзади. Бу термин қадимий Тошкентга жуда мос деган хулосага келиб, Эскижўва – “баланд бозор” дегани дейди ва исботи тарикасида “Тошкент” етти сой ва етти тепалиқдан қад кўтарган, деган афсонани келтиради.

XVI асрда Тошкентнинг ўрдаси эски шаҳар қисмидан Бешёғоч тарафга кўчирилди. Табиийки, унинг қурол-аслаҳа сақлайдиган омбори ҳам янги жойга кўчирилади. Эски омборхона эса эски жиба, яъни эски омборхона номида қолади. Вактлар ўтиши билан жиба, жўва кўринишини олиб Эскижўва деб атала бошланган.

Пастбозор. Бозорни халқ ҳозирги кунларда ҳам “Пастбозор” деб айтади, сабаби бозор пастликка жойлашган. Қадимий туркий тилимизда сувлок пастлик ерни “Чоч” деб аташган, шаҳарнинг Чоч деган номи ана шу ҳолатдан келиб чиққан, деган хулосага келади А.Иброҳимов.

Октябрь бозори. Шўролар даврида бозорнинг қок ўртасидаги ресторан Октябрь номи билан аталди. Сўнг Эскижўва маҳалласи ўрнида Кали-нин хайкали ўрнатилиб, майдон номи Калинин номи билан ўзгартирилган эди. Хуллас, бозор номи ҳам Октябрь номи билан атала бошланди. Аммо, 70 йил давомида бу ном халқ онгига сингмади. Барибир Чорсу, Эскижўва ёки Пастбозор номи билан аталиб келинаверди.

Олой бозори (Амир Темур кўчаси). Дастлаб бир неча йиллар давомида норасмий кичик чакана бозор сифатида чорва ва дехкончилик махсулотлари билан олди-сотди қилиниб турган жой. 1928 йилдан Олой бозори номи билан расмий равишда бозорга асос солинган ва кейинги мустақиллик йилларида замонавий бозор тарикасида қайта қурилган.

Айрим қадимшуносларнинг фикрича, XIX асрнинг 80 - йилларида Ўрта Осиё аёлларидан биринчи бўлиб «додхо» унвонини олган, «Олой маликаси» номи билан машҳур бўлган, Олой вилоятининг ҳокими Курбонжон додхо ўз ўгиллари билан мустақилликка эришиш мақсадида «Пўлатхон» кўзғолони иштирокчилари томонида ўтади. 1876 йил 25 апрелда М.Д. Скобелев кўшинига қучли зарба берган, бироқ, кейинчалик хоинлик натижасида мағлубиятга учраган. Одамларининг айримлари асирга тушган, айримлари турли томонларга қочишга мажбур бўлган. Шуларнинг бир қисми хозирги Тошкентнинг Олой бозори ҳудудидан манзил топган ва савдо-сотик билан шугулланишган. Бозорнинг Олой деб номланиши шундан.

Аммо, айрим хаваскор атамашунослар матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолаларида келтиришларича – Олой сўзи Алоэ ўсимлиги номидан келиб чиққан дейишади. Айтишларича, бир вақтлар бу ерда алоэ ўсимлиги билан савдо қилишган. Шу сабаб бўлса керак, Олой бозори, яъни “Алайский рынок” бўлиб кетган, – деган фикрни билдирадilar.

Пиёнбозор – 1866 йилда ўша даврдаги шаҳарнинг руслар яшайдиган қисми чеккасида Яқшанба бозор (Воскресенский базар) очилади. Савдонинг асосий қисмини спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар, майхоналар ташкил қилган. Маҳаллий аҳолининг айрим бойваччалари, бу жойга келиб қайфу сафо қилиб туришган. Маҳаллий халқ ибораси билан Пиён бозор деб номланиши шундан. Бозор 1930 йилгача мавжуд бўлган. Кейинчалик бу ҳудудда Алишер Навоий номи театр қурилган. 1947 йилдан бу ҳудуд Театр майдони номи билан атала бошланган.

Каймоқбозор – Эскижўва бозоридан кейинги энг катта бозор ҳисобланган. Тошкент ҳокими Юнусхўжа хукмронлиги даврида қурилган ва 1810 йилда Кўкон хонлиги босқини даврида вайронага айлантирилган Кичик ўрда деб номланувчи ўрда вайроналари тепалиги ўрнида бўлган. Шайхонтохур дарвозасига яқин бўлган. Асосий савдоси чорва махсулотлари бўлган. Бозорнинг «Каймоқбозор» деб номланиши шундан. Бозор тахминан Шайхонтохур, А.Навоий, А.Кодирий ва Анхор канали оралигида бўлган.

СУВ ТАРМОКЛАРИ

Афсоналарда айтилишича – Тошкент етти сой ва етти тепалик бор жойда кад кўтарган. Кўпинча афсона ва ривоятлар мазмунида рационал маъно ва халк фантазиясининг реал асослари ҳам ётади. Хар холда Тошкент Ўрта Осиёдаги бошка шаҳарларга караганда сувга сероб ва бог-роғларга бурканган шаҳар бўлган. Халкимиз сугориш маданиятида усталик даражасига эришган. Бу борада бундан 1200 йил бурун Нил дарёси сувини ўлчайдиган «Микёс-ул-жадид»ни яратиб, минг йиллар давомида мисрликлар ечолмаган муаммони ечиб берган Ахмад ал-Фаргоний билан фахрлансак арзийди.

Тошкентда сугориш шохобчалари яхши йўлга кўйилганлигини кўпчилик ёши улугларимиз яхши билдилар: шаҳарда окар сувли ховузсиз маҳалла ёки гузар бўлмаган. Бу ховузлар сув таъминотини яхшилаш билан бирга жазирама ёз чиллаларида шаҳар хароратини яхшилаб турган. Маълумотларга караганда шаҳарда 500 дан ортиқроқ ховуз бўлган. Баъзи ховузларнинг номи ҳамон эслатиб турилади. Катта ховуз, Ховузбоғ, Лангар ховуз ва бошқалар. Нисбатан баландликка жойлашган маҳаллаларга ҳам физика фанидаги туташ идишларда сув сатхи бир текисликка кўтарилди, деган конун бўйича кўтарма ва кайнама деган сув иншоотлари ўтказилган ёки чархпалак сув узатгичи ўрнатилган. Хар бир тошкентлик, ёшу қари сувни муқаддас билиб, унга туфламаслик, ховли ёки кўча супурилганда эҳтиётлик билан арик томондан бошлашган. Сувга нисбатан бундай ҳурмат ва фойдаланиш усулларига лол қолган дўсту душманларимиз ўзларидан қолдирган хотира ёки асарларида тан бериб эътироф этишган. Жумладан, А. Добромислов 1912 йилда ёзган «Ташкент в прошлом и в настоящем» асарида кўп нарсани жумладан, сугориш системасида ўз хайратини яшира олмаган.

Қадимшунос олим академик Яхё Гуломовнинг ташаббуси билан 1966 йилда ташкил қилинган Тошкент археологик гуруҳининг тадқиқотларига кўра бундан уч минг йиллар илгари аجدодларимиз Чирчиқ дарёсини тўсиб, кетмон билан арик қазиб Тошкентга сув олиб келганлар, воҳани обод қилганлар.

Куйида аждодларимиз томонидан бунёд килинган сув манбалари атамаси хакида маълумот беришга ҳаракат киламиз.

Чирчик – Сирдарёнинг ўнг ирмоғи. Абдуллахон тарихида Чир дарёси Чирчик номи билан машҳур дейилади. Бобур бу дарёни Чир суйи деб тилга олган. Чирчикни Сир-чик, яъни «Кичик сир» (дарё) деб изохлаш тўғридир, – деб ёзади атамашунос олим С. Кораев. 713 йили Араб халифалиги босқини туфайли гуллаб яшнаётган Чоч катта талофат кўрди. Сугориш шохобчалари, шаҳар вайрон бўлди. IX асрда Араб халифалиги Чоч сугориш шохобчаларини қайта тиклаш учун 2 миллион дирхам ажратгандан сўнг Тошкент тиклана бошлади. Янги Бўзсув сугориш системаси асосида қайта вужудга келган шаҳар Бинкент ва Тошкент номлари билан атала бошланди.

Бўзсув – Чирчик дарёсининг ўнг соҳилидаги магистрал канал. Чирчик шаҳрида Чирчик дарёсидан сув олиб, Чиноз шаҳри ёнида Сирдарёга кўшилади. Юнусобод ва Шайхонтохур туманлари ҳудудидан ўтади. Бўзсув – лойка, сарик тусли сув дегани. Дарё юмшоқ жинсларни ювиб окканда сув бўз рангда бўлади. Ривоятларда Фирдавсийнинг «Шохнома»сидаги Барзуйи деган дехкон номи билан боғлиқлиги хикоя қилинади.

Захарик – Чирчик дарёсидан сув оладиган канал. Хужжатларда Зогарик, баъзан Золарик шаклида учрайди. Халк орасида Фирдавсийнинг «Шохнома»сида тасвирланган Зол номли подшонинг номи билан боғлиқлиги хикоя қилинади.

Кайкобус – Бўзсувнинг ўнг тармоғи. Шайхонтохур ва С.Рахимов туманлари ҳудудидан ўтади. VIII асрда Бўзсув канали кенгайтирилиб, ундан Кайкобус ариги чиқарилган ва Қорақамиш жарлигигача етказилган. Шайбонийлардан бўлган Суюнчухўжахон XVI асрда Тошкентнинг Себзор даҳасида, ҳозирги Қалковуз канали атрофида ажойиб бир сўлим боғ барпо қилиб, уни Кайкобус чорбоғи деб атаган.

Халк орасида Кайкобус ариги (сўзлашувда Қалковуз) қадимий Эрон Қаёнийлар сулоласидан бўлган подшо Кайкобус томонидан қаздирилган деган ривоятлар ҳам юради. Номи шундан.

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

Салор Тошкентнинг шарк ва жанубий кисмидан ўтган Бўзсув каналидаги Салор ГЭСидан бошланиб, Чирчик дарёсига кўшилади. Хожа Ахрорнинг вақф хужжатларида бу канал Рудак (тожикча-дарёча) номи билан юритилган. Салурлар Хитойнинг Цинхай вилояти Сунхуа туманида яшайдилар. Ахолиси 90 минг кишини ташкил қилади. Ўзбек урф одатларини сақлаб қолганлар. Кибрай туманидаги 1978 йилда барпо қилинган шахарча ҳам Салор деб аталади. Республикамиз ҳудудида Салор номи туркий қабила бўлган. XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрдан Хитой томонларга кўчиб кетишган. Мазкур атама Ўғузлар хони Дегихоннинг олтинчи ўғли Салур номи билан боғлиқ. Салор сўзи – форсийда лашкарбоши маъносини ҳам англатади.

Бўрижар – бўзсувнинг чап тармоғи. Октепа ГЭСи юқорисидан бошланиб, Салор каналига қўйилади. Чилонзор ва Яққасарой туманлари ҳудудларидан оқади. Каналнинг ўзани чуқур бўлиб, киргоқлари тиклиги ва атрофи кенг чақалақзор бўлганлиги туфайли ёввойи ҳайвонлар ҳам учраб турган. Бўрижар деб номланиши шундан.

Корасув – Бўзсувнинг сўл ирмоғи. Бўзсув ГЭСининг пастки кисмидан бошланади. Тошкентнинг жанубий шарқини сув билан таъминлаб турган. Топонимик терминларда Кора ер қуруқлик маъносида келади. Шунга кўра, Корасув (ердан чиққан сув), яъни сизот суви, деб тушунмоқ мумкин. Қадимдан халқимиз сизот сувлар ва булоқлардан ҳосил бўлган сой ва анҳорларни «Сиёҳ-об», ёки қисқартириб Сиёб, яъни Корасув деб юритиб келган. Археологик маълумотларга кўра, қадимда Чирчик дарёси тошқинлар ва сизот сувларидан Салор, Корасув, Жўнарик қаби табиий сув манбалари ҳосил бўлган деган маълумотлар учрайди.

Комусий адабиётларда эрамиз бошларида Сибирь ва Қозоғистон, қисман Ўзбекистон ҳудудларида Корасув (сўзлашувда Корасув бўлиб кетган бўлиши ҳам мумкин) қабиласи яшаганлиги ва Ўрта Осиё халқлари билан маданий алоқада бўлганликлари ҳақида маълумотлар бор.

Дархон – Салор каналининг ўнг қирғоғидан бош олувчи қадимий ариқ. Ўтган асрнинг 50-йилларида юқори ўзани текислаб юборилгач, қолган қисми Оккўргон каналининг чап шохобчасига айлантирилган. Шайхонтохур даҳасидаги Дархон маҳалласининг боғлари шу ариқ ёқасида бўлган. Шу сабаб ариқ маҳалла номи билан Дархон деб аталган. Тошкентда Дархон номи маҳаллалар бошқа даҳаларда ҳам учрайди. Айрим қадимшуносларимизнинг фикрига кўра Дархон мўғулча сўз бўлиб, мажбуриятлардан озод қилинган демақдир. Қозоқ уругларидан бирининг номи ҳам Дархон деб аталган.

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

Чоули – Тарихчи Мухаммад Солих «Тошкентнинг янги тарихи» асарида Шайх Шибли (Чоули) ариги Ўзбеклар дарвозасидан (Лабзак дарвозаси М.Солих даврида шу ном билан аталган бўлиши керак) шаҳарга кириб, Киёт дарвозасидан ташкарига окиб чиқади, дейди. Айрим рус кадимшунослари «Шиблини руслар човли деб ўзлаштирганлар», деган фикрдалар. Айрим атамашунослар бу кабила номи билан аталиб келган деган фикрдалар. Чунки, ўзбекларнинг Корахитой ва Кўнгирот кабилалари таркибида Чойўли уруги бўлган.

Анхор – (арабча «нахр» - дарё, деган сўзнинг кўплиги) – катта канал, арик. Шахримизнинг Чилонзор ва Шайхонтохур туманлари худудидан окиб ўтадиган бу сув оқими Бўзсувнинг ўнг тармоги бўлиб, узунлиги 9,1 км. 1865 йилда янги турдаги бежамдор кўприк қурилган. Кўприк 1913 йилгача Тошкентнинг эски шаҳар қисмини янги шаҳар қисми билан боғлаб турган. 1913 йилда Трамвай йўли қурилиши муносабати билан гишткўприк, 1940 йил ҳозирда ҳам фойдаланиб келаётганимиз темир-бетон кўприк қурилган.

Жўнарик – Салор ва Корасувнинг тармоги бўлмиш бу арик Сергели туманидаги Шоштепа ва унинг атрофини сув билан таъминлаб турган. Ҳозирги пайтда Бухоро ва Самарканд вилоятларида арик, баъзан кичикроқ канал ҳам “Жўй” деб аталади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу сўзнинг кичрайтирилган шакли “Жўяк” сакланиб қолган. XVI асрларда шаҳар доирасидаги сув тармоқларининг айримлари Жуйи арик (тожикча) яъни шаҳар ариги дейилган. Бу атама халқ тилида Жўнарик бўлиб кетган деган фикрлар бор.

Тошкентнинг собиқ янги шаҳар деб аталган қисми

Тошкент Россияга кўшиб олингандан кейин Анхор билан Салор каналлари оралигидаги ерларда яъни Шайхонтохур даҳасига қарашли Оккўргон, Миробод, Мингўрик каби мавзелар худудида янги шаҳар қурилиши авж олиб кетди. Кўкон хонлигининг ўрдасига қарашли худуд ҳам янги шаҳар доирасида қолди. Чор ҳокимиятининг амалдорлари

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

мустамлакачилик тузумининг абадийлигини ва ўзгармаслигини ҳар тамонлама таъкидлашга ҳаракат қилди. Янги қурилган шаҳар кўчалари ва майдонларига Николай, Духовский, Романовский, Констан-тин, Черняев, каби истилочи генераллар номи, ҳарбий қисмлар жойлашган кўчаларга Сапёрная, Конвойная, Стрелковая каби номлар, Туркистонни истило қилиш даврида босиб олганлари шарафига ўша шаҳарларнинг номлари билан Асакинский, Хивинский, Самарканд, Жиззах Маҳрам, Зирабулок деб атала бошлади. Шунингдек, Тупроккўргон атрофидаги кўчаларга 1865 йилгача босиб олган шаҳарлари номи билан Чимкентская, Туркестан-ская, Аулиятинская деб атала бошланди.

Тошкентга бирин кетин рус капитали кириб келаверди ва шу тарика саноат ривожлана бошлади. Биринчи завод эгалари ва фабрикантлари пайдо бўлди. Янги пайдо бўлган «Тошкентлик» бойлар жойларга ўз номларини кўйиб хотира қолдирашарди. Рядов, Ляхтин, Косянов, Первушин, Иванов, Да-видов кабилар шулар жумласидан эди.

Совет даврига келиб, юкоридаги номлар шўро ҳукуматининг асосчилари номлари билан алмаштирилди. Бу янги номлар орасида ҳам маҳаллий халқни ҳурмат билан эслатовчи номлар деярли йўқ эди.

Шаҳар маъмурлари бутун эътиборларини янги шаҳарни обод қилишга ҳаракат қилиб келди. Эски шаҳарга деярли маблаг ажратмади. Натижада, Эс-ки шаҳар аввалги файзли киёфасини йукотиб бораверди.

Мустақиллик(Собик Соборный, Ленин) майдони. Тошкент Россияга кўшиб олинганнинг дастлабки йилиданок Анхор бўйидаги Кўкон хонининг ўрдаси бузилиб, ўрнига Туркистон генерал-губернаторининг резиденцияси қурилади ва у Ок уй деб атала бошланади. 1888 йилда Ок уй яқинида Спасо-Преображенский собори қурилади. Натижада, шаҳарнинг бош майдони, яъни эски ва янги шаҳар чегараси бунёдга келади. Майдон шу бино номи билан “Соборный” деб атала бошланади. 1930 йилда бу бино бузиб ташланади. Совет даврида шаҳарни реконструкция қилиш бош режасига асосан бу ҳудудда ҳукумат уйи қад кўтаради. Мустақиллик йилларида майдон томонан бошқача тус олиб, халқимизнинг сеvimли зиёратгоҳига айланди.

Амир Темур хиёбони. XIX асрнинг 70-йилларида ҳарбий муҳандис Макаров лойихаси асосида бу ерда марказий майдон ташкил қилиниб, у Константин майдони деб атала бошланди. Майдонни кесиб ўтган Российский ва Кауфманский кўчалари майдонни

Тошкент дарвозалари ва кўчаларининг тарихи

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

тўртга бўлиб турган. Кейинчалик бу хар икки кўча 4 алохида кўчаларга бўлиниб кетади.
Булар:

-марказий майдондан шимолий вокзалгача бўлган кисми (Российкий, совет даврида Пролетарский) хозир Моворауннахр

-марказий майдондан Юнусобод йўналишидаги кисми (Московский, совет даврида Ф.Энгелс,) хозир Амир Темур шох кўчаси

-марказий майдондан Мустакиллик майдонгача (Кауфманская, Саборний, совет даврида К.Маркс) хозир Сайлгох кўчаси.

-марказий майдондан Салор йўналишидаги кисми (собик Саларская, Хамза, Мусахонов, Пахлавон Махмуд) 2008 йилдан Тараққиёт деб номланди.

1883 йилдан бу майдон ўрнида марказий хиёбон барпо қилиниб, генерал губернатор Кауфман номи билан атала бошланди. Шу билан бирга хиёбон атрофидаги айланма йўлдан бошка янги кўчалар пайдо бўла бошлайди. Жумладан,:

-Мустакиллик кўчаси (собик Лагерний, Пушкин);

-Матбуотчилар кўчаси (собик Петроград, Ленинград);

-Истиклол (собик Воранцов, Сталин, Братская, Х.Сулаймонова)

-Фаргона йўли (собик Куйбышев, Кўйлик).

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

Хиёбон марказида:

-1913 йил 4 май генерал губернатор Кауфман хайкали;

-1918 йил Озод меҳнат ёдгорлиги (ёғоч ва фанердан ишланган);

-1927 йил Октябрнинг 10 йиллиги ёдгорлиги;

-1950 йил Сталин хайкали 1954 йилда олиб ташланган;

-1968 йил К.Маркс бюсти;

-нихоят президентимиз ташаббуси билан марказий майдонда Амир Темурга хайкал ўрнатилди. Майдон Амир Темур номи билан атала бошланди. майдон чеккасида Темурийлар даври музейи барпо этилди.

Марказий хиёбон атрофидаги бинолар.

1817 йилда хиёбон каршисида ҳозирги Мустакиллик ва Хамза кўчалари оралигида почта канторисининг биноси қурилади.

1887 йил 1 июлда почта кантораси телеграф билан бирлаштирилади ва у “биринчи даражали Тошкент почта-телеграф кантораси” деб аталадиган бўлди. Ҳозир бу бино ўрнида Ўзбекистон меҳмонхонаси жойлашган.

1881 йилда Российский ва Петроград кўчалари оралигида полковник Тартаковскийнинг

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

1870 йилда қурилган уйи Туркистон ўқитувчилар семинариясига олиб берилди. Охириги йилларда бузулгунга қадар бу бинодан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси фаолият олиб борган. XIX асрнинг 90 йилларида архитектор Бенуа лоихаси асосида ўқитувчилар семинарияси биноси қаторига семинарлар қерқови қурилади: Бу қерқов биноси ҳозир ҳам мавжуд.

1882 йилда хиёбон қаршисида Қўйлик ва Россия кўчалари оралигида 7,5 гектар жойни эғаллаган шаҳар боғи барпо қилинади. Кейинчалик боғ ҳудудида Хава, Турон қаби ёзги қинотеатрлар ва яшил театр қурилади. 1890 йилда Тошкентнинг Россия томонидан босиб олинганининг 25 йиллиги муносабати билан боғда кўрғазма ташқил қилинади. Гороской сад, Горький, Меҳржон номлари билан қелган бу боғ ўрнида ҳозир Тошкент шаҳар ҳокимиятининг биноси жойлашган.

XIX асрнинг 70-80 йилларида ҳозирги сайлгоҳ кўчасининг ҳар икки томонига, хиёбонга қаратиб эрлар ва аёллар гимнизияси қурилади. Бинолар ҳозир ҳам мавжуд. Унда Тошкент Давлат Юридик институти жойлашган.

1895 йилда хиёбон рўпарасида, ҳозирги Амир Темур ва Мустақиллик кўчалари оралигида давлат банки биноси қурилган. Банк ҳозир ҳам мавжуд.

Сайилгоҳ (1912йилгача Соборный, 1918 йилгача Кауфманский, 1992 йилгача Карл Маркс кўчаси). Соборный, Константин майдонларини боғлаб турганлиги учун кўча Соборный деб аталган. Соборный кўчаси ўша пайтларда ҳам Тошкентликларнинг сайилгоҳ кўчаларидан бири бўлиб қелган.

Кўчада Дорожновнинг газлама мағазини, Соберейнинг қитоб мағазини, Савдоғар Д.Т.Заҳонинг гастронмик мағазини, шаҳар думасининг аъзоси Орифхужабой Азизхоновнинг қатта савдо растаси бўлган. Бу бино XIX асрнинг охирида бутун Россияда расм бўлган «немис уйғониш даври» деб аталган услубда қурилган бўлиб, нафакат Тошкентда балки бутун Ўрта Осиёда қатта ва кўрқамлиги бўйича яғона ҳисобланган. 1966 йил Тошкент зилзиласига қадар Тошкентнинг Бош универмағи вазифасини ўтаб қелган.

XIX асрнинг 80-йилларида Соборная кўчасининг Романовский кўчаси билан қесишган

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

кисмининг чап томонида князь Л.А.Романовга атаб сарой курилади. Бу бино архитектор И.С.Гейнцельман томонидан роман услубининг деталларидан фойдаланиб эклектик услубда курилган. Саройнинг олд томони ўзбек миллий услубида ишланган бўлиб, унинг хамма безаклари махаллий халк усталари томонидан ясалган. Бинода 1918 йилдан Санъат музейи 1935 йилдан Республика пионерлар саройи ва, нихоят, ҳозирда Ўзбекистон ташки ишлар вазирлигининг қабулхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда.

1912-16 йилларда Соборная кўчасининг Рома–новский кўчаси билан кесишган жойида, князь Ро–манов саройи каршисида князга карашли театр биноси қад кўтаради. Айрим нокулайлик сабабларига кўра қайта тузатишлар киритилиб, кинотеатрга мослаштирилади. Кинотеатр Россиянинг Хи–ва хонлигини босиб олганликлари шарафига Хева деб номланиб, Совет даврида бузилгунга қадар Ёш гвардия номи билан ишлаб келди. 1928 йилда кинотеатр каршисига телеузатгич ўрнатилиб, 30-40 метр нарига қабул камераси қўйилади. Экранда юриб кетаётган одамлар ва трамвай тасвири кўринади. Шундай қилиб, дунёда биринчи жонли тасвирни қабул қилувчи телевизорга Тошкентда асос солинган эди. Уни Ўрта Осиё Давлат университетининг физика акулътети лаборанти Б.П.Грабовский ўз хамкасабалари билан ихтиро қилган эди.

Мустақиллик кўчаси. (собик Латерная, А.С.Пушкин) Бу кўча XIX асрнинг 70-йилларида очилган. 1871 йили кўчанинг икки томонида дастлабки уйлар қад кўтара бошлайди. Булар асосан амалдорлар, офицерлар, савдогарлар ва махаллий бойларнинг уйлари эди.

Дастлабки йиллардан бошлаб, кўчада хаммомлар, почта биноси, вино ва тамаки заводлари пайдо бўлади. 1890 йилда шаҳар думаси аъзоси Д.П.Петров кўчада Тошкентда биринчи бор гугурт фабрикасини очади. Филипп Капланнинг икки қаватли Аптека биноси ҳам ўша йилларда курилган.

1903 йилдан собик Романовский кўчасидан А.С. Пушкин кўчаси бўйлаб, Сергиевский черкови (ҳозирги метронинг Хамид Олимжон бекати)гача кўнка катнай бошлайди. Тошкентнинг манаман деган бойлари 1903 йилнинг 5-апрель куни ана шу кўнкада биринчи бор сайр қилишади. Тошкентда кўнка катновининг йўлга қўйилиши Бельгиянинг номи яширин жамияти томонидан амалга оширилган эди. Кўнканинг яна бир йўли вокзал майдонини Эски шаҳар билан боғлаб турган. Дастлабки хар иккала йўлнинг узунлиги тахминан 10 километрга яқин бўлган. 1916 йилнинг маълумотига кўра кўнкага 230 та от хизмат қилар ва у 30 вагондан иборат эди.

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

Шахар думасининг 1908 йилда Бельгия жамияти билан шаҳарда электр трамвайини йўлга қўйиш шартномасига биноан янги куриладиган трамвай йўли 1952 йилдагина шаҳар мулкига айланиши керак эди.

Бухоро кўчаси. Ўтмишда Жиззах, Правда Востока номлари билан келган бу кўча Тошкентнинг гавжум жойларидан бири бўлиб келди. XIX асрнинг 70-йилларида рус кўшинлари томонидан босиб олиниши шарафига Жиззах шаҳри номи берилган эди. 1928 йилда Правда Востока газетасининг 1500-сони чиқиши муносабати билан кўчага ушбу газета номи берилди.

Матбуот уйи Романовский кўчаси билан Жиззах кўчаси бурчаги Марказий аптека билан Пиёнбозор рўпарасида бўлган.

Зингер компанияси биноси. Кўчанинг Пиёнбозор (Воскресенский рынок) каршида «Компания Зингер» деган немис фирмасининг идораси жойлашган бўлиб, фирма билан ёнма-ён савдо расталари ҳам мавжуд эди. Ўтган асрнинг 60-йилларида бу бино бузиб юборилган. Ўрнига hozirги Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгашининг биноси курилган.

Колизей. 1913 йилда Тошкентлик капиталист Цинцадзе бинони цирк учун курган эди. Лекин бинода цирк томошалари кўрсатилмади. Нихоят, бино «Колизей» театрига айлантилди. Совет даврида бинода Ўзбекистон давлат филармонияси фаолият олиб борди. Хозир бино бутунлай қайта реконструкция қилиниб, унда Республика Кўчмас Мулк биржаси фаолият олиб бормокда.

Собик «Националь» ва «Шарк» номлари билан аталиб келган мехмонхона биносининг хозир бузилмай колган қисмига республика «Нуроний» жамғармаси жойлашган.

Буюк Турон кўчаси (1875 йилгача Большая, ёки Базарная, 1918 йилгача Д.И. Романовский, 1992 йилгача Ленин). Кўчага шаҳар бош режасига кўра 1866 йилда асос солина бошланган. Ўз даврида шаҳарнинг чекка қисмини Воскресенский бозори (Пиёнбозор) билан боғлаб турган ягона катта кўча бўлган. XIX асрнинг 70-йилларида кўчага расмий равишда Туркистон генерал-губернатори Д.И.Романовский номи берилган эди. Кўчада 1966 йилгача шаҳар марказий аптекаси; Ф.А.Юпатовнинг 1913

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

йилда қурилган цирк биноси; 1914 йилда қурилган «Аполло» (Совет даврида «Искра») кинотеатри бўлган. Ҳозир бу бинолар ўрнида Ўзбекистон Давлат Тарихи музейи жойлашган. Кўчанинг Соборная кўчаси билан қесишган қисмида князь Романовнинг мухташам саройи ва унга қарашли Хева, Совет даврида Ёш гвардия номи кинотеатр бўлган.

Мовароуннахр кўчаси. Собик Российская ёки Московская, айрим манбаларда Духовский, Совет даврида Пролетарский номларида келган. Тошкент вокзалининг эски биноси. 1899 йилда Тошкент темир йўл вокзали биноси қурилиши биттач, Ўрта Осиё темир йўли бўйлаб, мунтазам равишда поездлар катнай бошлаган эди. Бу кўча темир йўл вокзали билан шаҳар марказини боғлаб турган.

Народный дом. Тошкентда театр томошалари учун доимий бино бўлмаганлиги сабабли сайёр гуруҳлар тўғри келган бинода томоша кўрсатаверар эдилар. 1877 йилда шаҳар ярмаркаси ҳудудидаги биржа биноси театрга мослаштирилиб таъмирланади. 1915 йилда эса, Народный дом (Халк уйи) га мослаштирилиб қайта таъмирланади. Совет даврида санъат музейи вазифасини ўтаб келган бу бино 1967 йилда бузилиб, ўрнига ҳозирги давлат санъат музейи қурилади.

Красная мельница. Ҳозирги Мовароуннахр кўчасидаги «Пойтахт» меҳмонхонаси ўрнида Шамол тегирмони бўлган бўлиб, у «Красная мельница» номи билан машҳур эди. «Пойтахт» меҳмонхонасининг биноси ўтган асрнинг 30-йилларида ҳукумат ходимлари учун қурилган дастлабки кўп қаватли турар жой биноси ҳисобланарди.

Истиклол кўчаси. (Собик Воронцов, Сталин, Братская, Х.Сулаймонова). Кўча Марказий хиёбон билан Романовский кўчасини бирлаштириб турган. Кўчада давлат думасининг биноси ва Советлар даврида Тошкент шаҳар кенгаши жойлашган.

Фаргона йўли кўчаси. (Совет даврида Куйбышев). Кўча Марказий хиёбон билан Кўйлик мавзесини бирлаштириб турган.

1902 йилда қурилган Казенная палата (Чор Россияси губернияларининг солиқлар бўйича давлат ташкилоти) бўлган. Фаргона йўли ва Хоразм кўчалари бурчагида жойлашган. Совет даврида Республика тарих музейи сифатида фойдаланилган. Ҳозир Тошкент

Тошкент дарвозалари ва кўчаларининг тарихи

Муаллиф:

03.03.2017 15:18 - Янгиланди 03.03.2017 15:34

вилояти хокимлигининг турли бўлим ва бошкармалари жойлашган.

Манба: **tashkent.uz**